

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/В.37.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

АМАНЛИКОВА ДИЛЬФУЗА АБДУГАНИЕВНА

**ҚОРА СЕДАНА *NIGELLA SATIVA* УРУҒИДАН ОЛИНГАН ЛИПИД
ТАШУВЧИ ОҚСИЛНИНГ БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2023

**Биология фанлари бўйича Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии по (PhD)
биологическим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on biological sciences**

Аманликова Дилфуза Абдуганиевна Қора седана <i>Nigella sativa</i> уруғидан олинган липид ташувчи оксилнинг биологик фаоллиги.....	3
Аманликова Дильфуза Абдуганиевна Биологическая активность липид-переносящего белка из семян чернушки посевной <i>Nigella sativa</i>	22
Amanlikova Dilfuza Abduganiyevna Biological activity of lipid-transporting protein from seeds of <i>Nigella sativa</i>	41
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	44

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/В.37.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

АМАНЛИКОВА ДИЛЬФУЗА АБДУГАНИЕВНА

**ҚОРА СЕДАНА *NIGELLA SATIVA* УРУҒИДАН ОЛИНГАН ЛИПИД
ТАШУВЧИ ОҚСИЛНИНГ БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2023

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/B677 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Биоорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.biochem.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ощепкова Юлия Игоревна кимё фанлари доктори, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	Рамазанов Нурмурод Шералиевич кимё фанлари доктори, профессор Ибрагимов Фазил Ахмедович биология фанлари доктори, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон кимё-фарматевтика илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Биоорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.K/B.37/01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63).

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83.Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: nigora65@list.ru)

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2023 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.И.Салихов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

Н.Р.Хашимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д.

М.Б.Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда захарлилиги кам бўлган самарали дори воситалари яратиш учун истиқболли доривор ўсимликларни излаб топиш, энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ўсимлик препаратларини қўллашнинг афзалликлари, уларнинг кенг қамровли фармакологик хусусиятлари, юмшоқлиги ва узоқ муддат давомида фойдаланилганда ножўя таъсирларнинг йўқлиги билан боғлиқ бўлиб, уларнинг кимёвий табиати инсон организмига яқин ва биокимёвий жараёнларга осонгина киришади. Шунинг учун ўсимликлардан олинган самарали янги дори препаратларини излашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бугунги кунда, дунёда носпецифик ярали колитни тарқалиш тенденциясини ортиши, Марказий Осиё минтақасида ушбу касалликнинг “эпидемия”си тарқалиш башорат қилиниши эътиборга олинган холда ичак яллиғланиш касаллигини даволашда фибробластлар функциясини бошқариш хусусиятига эга бўлган пептидли препаратлар ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада иммун тизимни мустахкамловчи ва яллиғланишга қарши таъсирга эга терапевтик пептидларни ишлаб чиқиш ярали колитларни даволашга йўналтирилган дори воситаларини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда маҳаллий хом ашё асосида импорт ўрнини босувчи самарали янги дори препаратлари ишлаб чиқиш ва аҳолини юқори сифатли дори-дармонлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ривожланиш Стратегиясининг^{1 1} 4-йўналишида “Фармацевтика саноатини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори-дармон ва тиббий маҳсулотлар билан таъминлашни яхшилаш, дори-дармонларга нарх-навонинг асоссиз ошиб кетишининг олдини олиш” вазифалари баён қилинган. Шу муносабат билан ўсимлик хом ашёсидан таъсири синтетик препаратлардан кам бўлмаган, бироқ бир вақтнинг ўзида кам захарли, юмшоқ терапевтик таъсир этувчи, шунингдек патологик жараённинг турли бўғинларига комплекс таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлган энг самарали маҳаллий препаратларни излаш ва яратиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил ноябрдаги ПФ-5229-сонли “Фармацевтика саноатини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сонли “Фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» Фармони

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хориж олимлари Westerman J., Kleinnijenhuis A., Bevers L.E. томонидан тўқима зарарланганда эпидермиал ўсиш омили (ЭЎО) мавжуд бўлганда эпителий хужайралари ўсиш жараёнида иштирок этувчи фосфатидил-инозитол ташувчи оксил (PI3P) ва гепатоцеллюляр селекцияда ва билиар фосфолипидлар ташилишида, ўпка сурфактантлари ишлаб чиқаришда, лейкотриенлар биосинтезида ва фосфатидилхолин хужайра метаболизмида қатнашувчи эндоген келиб чиқишга эга бўлган фосфатидилхолин ташувчи оксил PC-TP ўрганилган. МДХ мамлакатларида олимлар Р. И. Атауллаханов ва М. М. Чулкина томонидан тетрадекапептиднинг экспериментал ярали колит моделида ва *in vitro* шароитида хужайра културасида иммуномодуловчи ва регенерация таъсири бўйича тадқиқотлар ўтказилган.

Мамлакатимизда биоорганик кимё институти ва Ўсимлик моддалари кимёси институти олимлари (Салихов Ш. И., Азимова Ш. С., Ощепкова Ю. И. ва бошқалар) ушбу соҳанинг ривожланишига катта ҳисса қўшганлар. Улар томонидан *Ranunculaceae* оилаларига мансуб ўсимликлардан тўқималарни қайта тикловчи ва яраларни битирувчи фаолиққа эга булган янги оксиллар ва пептидлар ажратиб олинган ва улар асосида тери юзаси учун суртма кўринишидаги фармацевтик композициялар яратилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Биоорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Табиий иммунотроп ва ўсмага қарши бирикмаларнинг идентификацияси ва структур-функционал тадқиқоти” йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади *Nigella sativa* уруғидан липид ташувчи оксил олиш усулини такомиллаштириш ва уларни ярали колитни даволашда тўқималарнинг қайта тикланиши ва битиришда қўллаш имкониятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Nigella sativa уруғидан липид ташувчи Ns-LTP1 оксил олиш усулини такомиллаштириш;

Nigella sativa уруғларидан Ns-LTP1 липид ташувчи оксилдан тўқималарни тиклаш ва битишида фойдаланиш имкониятларини баҳолаш;

Nigella sativa уруғидан олинган Ns-LTP1 асосида композиция ишлаб чиқиш ва унинг ярали колитни даволашда қўллаш имкониятларини баҳолаш;

Nigella sativa уруғидан олинган Ns-LTP1 асосидаги композицияни клиник олди тадқиқотларини олиб бориш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда ўсадиган *Ranunculaceae* оиласининг *Nigella sativa* ўсимлиги уруғларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети *Nigella sativa* уруғидан олинган пептид табиатли Ns-LTP1 биологик фаол модданинг ўзига хос фаоллиги ва ярали колитни даволашда фойдаланиш истикболларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларни амалга оширишда моддаларни экстракция қилиш, ажратиш ва идентификация қилиш усуллари ҳамда экспериментал ҳайвонларда биологик фаолликни аниқлаш бўйича тажриба моделлари, гистология ва иммунология усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Nigella sativa уруғидан липид ташувчи Ns-LTP1 оксил олишнинг такомиллаштирилган усули ишлаб чиқилган;

илк бор *Nigella sativa* уруғидан ажратиб олинган Ns-LTP1 липид ташувчи оксилнинг яллиғланиш ва репарация жараёнларига таъсир этиши аниқланган;

перорал ва ректал дори воситаси сифатида қўллаш имконияти бўлган лиофилизат шаклидаги композицияси ишлаб чиқилган;

Nigella sativa уруғидан олинган Ns-LTP1 ва унинг асосида яратилган композициянинг “ўткир экспериментал колит” моделида каламушларда ҳосил бўлган йўғон ичак яраси юзаси ва шиллик қаватидаги шикастланиш даражасининг камайиши кўринишида яққол намоён бўлган яллиғланишга ва ярага қарши, шу билан бирга тана ҳароратини пасайтирувчи таъсири борлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Nigella sativa уруғидан липид ташувчи Ns-LTP1 оксид олишнинг такомиллаштирилган усули ишлаб чиқилган;

Nigella sativa уруғидан олинган липид ташувчи Ns-LTP1 оксилнинг таъсири ўткир эксудатив ва сурункали пролифератив яллиғланиш моделларида ўрганилди ва ушбу оксил яллиғланиш ҳамда репаратив жараёнларга таъсир қилиши, тўқималарни қайта тикланишида битишида иштирок этиши аниқланган;

Липид ташувчи Ns-LTP1 оксид асосида йўғон ичакнинг ярали шикастланиш моделида яллиғланишга ва ярага қарши таъсир кўрсатадиган лиофилизат ва ректал шамчалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий биология ва биоорганик кимё усуллари қўллаш орқали олинганлиги билан тасдиқланади, тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган тажриба ҳайвонлари ва тажриба материаллари сонининг етарлиги, натижалар замонавий статистик усуллар ёрдамида таҳлил қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек, нуфузли илмий журналларда нашр этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *Nigella sativa* уруғидан Ns-LTP1 липид ташувчи оксид олиш усули такомиллаштирилди; биринчи марта ажратилган Ns-LTP1 липид ташувчи оксил яллиғланишга ва репаратив жараёнларда, ҳамда тўқималарни қайта тикланиши ва битишида иштирок

этиши ўрганилди; Ns-LTP1 липид ташувчи оксид кимёвий бирикмаларнинг V – синфига тегишли эканлиги, кумулятив таъсирга эга эмаслиги ва узок вақт давомида қўлланилганда организмга захарли таъсир кўрсатмаслигини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, липид ташувчи Ns-LTP1 оксид асосида, каламушларда ярали колит моделида фаол бошланиш сифатида липид ташувчи Ns-LTP1 оксид ва ректал шамчалардан иборат бўлган яллиғланишга ва ярага қарши таъсирга эга бўлган ҳамда тиббий амалиётда қўллаш учун тавсия этилиши мумкин бўлган лиофилизат кўринишидаги композиция ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қора седана *Nigella sativa* уруғларидан олинган пептид табиатли биологик фаол моддаларнинг ва улар асосидаги композициянинг ўзига хос фаоллигини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Nigella sativa уруғларидан ажратиб олинган Ns-LTP1 оксид асосида трикарбоцианинли бўёқ комплекслари ишлаб чиқишда қўлланилган (А.Н.Севченко номидаги Беларус Давлат университети Амалий физика муаммолари илмий-тадқиқот институти 2021 йил 16 декабрдаги маълумотномаси 90-28/59). Натижада, трикарбоцианинли бўёқларнинг қўллаш кўламини кенгайтириш ва эрозив яллиғланиш радиотерапияси учун макромолекуляр тизимларни ишлаб чиқиш имконини берган;

Nigella sativa уруғидан олинган Ns-LTP1 асосида ишлаб чиқилган композициянинг биологик фаоллиги бўйича олинган натижалар ярали колит касалликлари билан оғриган беморлар патогенезини иммун механизмларни аниқлашда цитокинлар даржасини ўлчаш усули қўлланилган (Россия ФА Урал худудий бўлими Физиология ва иммунология институтининг 01.09.2022й. санадаги тадбиқ қилиш далолатномаси). Натижада, ярали колит касалликлари билан оғриган беморлар патогенезини иммун механизмларни аниқлаш ва тўқималарда локал медиаторлар ҳисобланган цитокинлар даржасини ўлчаш бўйича тадқиқотларнинг бошланишга асос бўлиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та ҳалқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан 1 таси хорижий ва 2 таси Республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурийлиги, уларнинг мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш асослари баён этилган, нашр қилинган илмий ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ярали колитнинг патогенези, белгилари, даволаш имкониятлари ва биологик фаол моддалардан фойдаланиш истиқболлари**» деб номланган биринчи бобда ярали колитнинг эпидемиологияси ва патогенези муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлар, яллиғланишли ичак касалликларини даволашнинг замонавий стандартлари ва яллиғланишли ичак касалликларини даволаш учун пептид табиатининг биологик фаол моддалар асосида яратилган дори воситаларни қўллаш истиқболлари батафсил кўриб чиқилган.

“**Оқсил табиатли табиий бирикмаларнинг биологик фаоллиги ва токсикологиясини тадқиқ қилиш материаллари ва усуллари**” деб номланган иккинчи бобда эса тадқиқотида фойдаланилган реактивлар ва жиҳозлар, *Nigella sativa* уруғидан липид ташувчи Ns-LTP1 оқсилни ажратиб олиш ва идентификациялаш усуллари, лиофилизат шаклидаги композиция яратиш, унинг биологик хоссалари ва токсикологиясини ўрганиш усуллари баён этилган.

“***Nigella sativa* уруғидан липид ташувчи Ns-LTP1 оқсил олиш усулини такомиллаштириш ва уни тўқималарни қайта тиклаш ҳамда битишида қўллаш имкониятларини ўрганиш**” деб номланган диссертациянинг учинчи бобда эса липид ташувчи Ns-LTP1 оқсилни олишнинг такомиллаштирилган усулини ишлаб чиқиш ва унинг стеарин кислота мисолида липид молекулалари билан ўзаро таъсирини натижалари ёритилган. Ns-LTP1 нинг яллиғланиш ва терининг битиш жараёнларига таъсирини механик яралар ва термик куйиш моделларида ўрганиш натижалари ҳамда носпецифик ярали колит моделида битиш жараёнларига таъсири муҳокама қилинган.

Липид ташувчи оқсилни олиш учун *Nigella sativa* уруғлари олиниб, кукунсимон майдаланди ва липидлар ҳамда бошқа гидрофоб компонентларни йўқотиш учун учун Сокслет аппаратида гексан ёрдамида ёғсизлантирилди. Оқсил-пептид суммаси ва индивидуал кўринишдаги липид ташувчи оқсилни ажратиб олиш жараёнлари ишлаб чиқилган схема бўйича амалга оширилди (1-схема).


Nigella sativa уруғидан липид-ташувчи оқсил олишнинг такомиллаштирилган схемаси



Майдаланиб ёғсизлантирилган уруғлар 1:3 нисбатда 10% сирка кислотаси ёрдамида экстракция қилинди. Экстракциялаш хона ҳароратида, 1 соат давомида ўтказилди. Олинган супернатантдаги оқсил-пептид фракцияси 1:5 нисбатда ацетон билан чўктирилди. Чўкма филтрланиб қуритилди ва музлатгичда -4°C ҳароратда сақланди.

100 г ёғсизланган уруғдан 4,5 г оқсил ва пептидлар йиғиндиси олинди.


Хроматографик усуллар мажмуасини қўллаш натижасида таркибида молекуляр оғирлиги 9602 Да бўлган Ns-LTP1 оқсили тутган гомоген фракция олинди (1- расм).



1-расм. А) C18 ReproSil-Pur 300 ODS-3 (250 x 4 мм) (Dr. A. Maisch, Ammerbuch, Германия) колонкасида ион алмашиниш хроматографияси усулида олинган 4-фракциянинг чизикли (10-50%) эритувчи градиентида 0,1% УФСК сувли эритмасида 1 соат давомида оқим тезлиги 1 мл / мин ва 40°C ҳароратдаги ТФ-ЮССХ Б) Натив Ns-LTP1 оқсининг масс-спектри.


100 г ёғсизлантирилган уруғдан 425 мг ёки 0,4% тоза ҳолдаги липид ташувчи оқсил олинди.

SWISSMODEL дастури ёрдамида Ns-LTP1 липид ташувчи оқсили ва унга боғланган липидларнинг фазовий тузилмасини стеарин кислотаси мисолида компьютер моделлаштириш тадқиқотлари ўтказилди (2-расм).



2-расм. Ns-LTP1 оқили (А) ва Ns-LTP1 оқили билан стеарин кислотаси комплексининг (Б) уч ўлчовли модели

Ns-LTP1 комплекси тутами, охирида узун С- сегмент бўлган тўртта спиралдан иборат умумий тузилмага (Н1- дан Н4-гача) эгадир (3-расм). Улар тўртта дисульфид боғлари бўлган ихчам доменга жойлашади. Бу тузилмалар катта ички гидрофоб бўшлиққа эга бўлиб, унга липидлар боғланади. Ns-LTP1 комплекси липид молекулаларини спираллар охиридаги С-халқаси ва тўртта спирал билан ўралаган тунелли гидрофоб чўнтак ёрдамида боғлайди. Липидларнинг углеводород думлари Ns-LTP1 нинг гидрофоб бўшлиғига киритилади, липидларнинг бош гуруҳлари эса боғловчи чўнтагидан ташқарига чиқади ва эритувчи томон йўналтирилади (3А, Б-расм).



3-расм. Ns-LTP1 комплексининг умумий тузилиши: А- Ns-LTP1 -STE. В - Ns-LTP1 -STE комплексининг иккита стеарин кислоталари (STE А ва STE В).

Ns-LTP1-STE комплексида ҳар бир асимметрик бирликка иккита молекула тўғри келади ва ҳар бир молекула битта ёғ кислотасини боғлайди. STE А ва STE В иккита Ns-LTP1 молекуласининг асимметрик бўғинида кузатилиши мумкин бўлган иккита ёғ кислотасидир. STE А ва STE В (С17-С18) думлари турли ориентацияларга эга (3.Б-расм). STE А боғловчи чўнтагидан чиқарилади, STE Б нинг думи орқага букланади ва Ns-LTP1 билан бир нечта қўшимча сольватларни ҳосил қилади. Бу эса Ns-LTP1-STE комплексидаги STE В молекуласи энг қулай липид боғловчи конформацияга эга эканлигини англатади.

Шундай қилиб, тажрибалар жараёнида *Nigella sativa* уруғидан липид ташувчи Ns-LTP1 оқилини олишнинг такомиллаштирилган усули ишлаб чиқилган ва стеарин кислотаси мисолида липид молекулалари билан ўзаро таъсирлашиш модели кўрсатиб берилган.

Яллиғланиш организмнинг турли экзоген ва эндоген зарар етказувчи омиллар таъсирига универсал жавоб реакцияси ҳисобланади. Яллиғланиш жараёни кўплаб касалликларнинг етакчи патогенетик бўғини бўлиб, у шифокор амалиётидаги барча касалликларнинг 80% ни ташкил этади. *Nigella sativa* уруғидан олинган липид ташувчи Ns-LTP1 оқилининг яллиғланишга қарши фаоллигини ўткир экссудатив ва сурункали пролифератив яллиғланиш моделларида баҳолаш тадқиқотнинг асосий вазифалардан бири бўлди.

Липид ташувчи Ns-LTP1 оксилнинг яллиғланишга қарши фаоллиги шиш камайишининг % ифодаланди. 0,1 мл ҳажмдаги 2% формалин эритмасини каламуш панжаси остига субплантар юбориш натижасида шиш пайдо бўлганлиги аниқланди ва бу унинг ҳажмининг сезиларли даражада ортиши билан тасдиқланади. Тадқиқ қилинаётган Ns-LTP1 оксилнинг сувдаги эритмаси 0,01; 0,1; 1,0 мг/кг дозаларда формалин киритилмасдан 1 соат олдин оғиз орқали киритилди (1- жадвал).

1-жадвал

Ns-LTP1 нинг формалин шиши моделида яллиғланишга қарши таъсир кўрсаткичлари

Препаратлар мг/кг	Ҳайвонлар сони	Бошланғичга нисбатан оёқ-қўлларининг ҳажмини ошиши, %				
		Формалин киритилгандан кейинги ку)				
		3 соат	1 кун	3 кун	5 кун	7кун
назорат	5	38,4±1,0	44,8±0,25	43,7±0,25	30,4±0,25	15,1±1,0
Ns-LTP1 0,01	5	31,25±1,1	43,9±1,8	31,25±2,1	23,8±1,6	9,82±1,2
Ns-LTP1 0,1	5	23,0±1,2	42,8±1,9	31,3±1,0	20,0±1,2	8,6±0,65
Ns-LTP1 1,0	5	35,7±1,2	43,8±1,05	12,5±1,1	11,1±0,6	6,0±0,25

p < 0.01 назоратга нисбатан

Ns-LTP1 липид ташувчи оксилнинг 0,01 мг/кг дозада қабул қилган каламушлар гуруҳида каламуш панжасининг максимал шишиши фармалин киритилгандан 1 кун кейин ҳам ривожланишда давом этиб, назоратга нисбатан ўртача ҳажм 43,9±1,8% гача кўтарилган. Формалинни киритилганидан 3 кун ўтгач, шиш ҳажми статистик сезиларли даражада 31,25 ± 2,1% гача, 5-куни - 23,8±1,6% гача ва 7- кун - назорат билан солиштирганда - 9,82±1,2% гача камайди. Ns-LTP1 0,1 мг/кг дозада қабул қилинган каламушларда панжанинг максимал шишиши 1 кундан кейин ривожланиб, назоратга нисбатан 42,8 ± 1,9% гача ортди ва формалин киритилганидан 3 кун ўтгач, шиш аста-секин 31,3±1,0 % гача, 5 куни 20,0 ± 1,2% гача ва 7-кунга келиб шиш сезиларли даражада 8,6 ± 0,65% гача камайди. 1,0 мг/кг дозада Ns-LTP1 киритилган ҳайвонларда каламуш панжасининг максимал шишиши 1-куни 43,8±1,05%, 3-кунида эса шиш ҳажми 12,5±1,1%гача, 5-кун 11,1±0,6%гача, 7-куни назорат билан солиштирганда сезиларли даражада 6,0±0,25% гача камайди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, синалаётган Ns-LTP1 оксиди 0,1 ва 1,0 мг/кг концентрацияларда 3-кундан 7- кунгача ишонарли антиэкссудатив таъсир кўрсатди, энг юқори самарали таъсир 1,0 мг/кг дозада кузатилди.

Сичқонлар оёқ-панжаларининг каррагинин шиши янги потенциал яллиғланишга қарши дорилар ва яллиғланиш жараёнининг ривожланиш механизмларини ўрганиш учун қўлланилади. Шу билан бирга яллиғланишнинг асосий белгилари – шиш, гипералгезия, эритема - субплантар киритишдан кейин яллиғланган панжа тўқималарига зарар етказмасдан дарҳол ривожланади ва бу модел формалин шиши моделидан тубдан фарқ қилади.

Тадқиқ қилинаётган Ns-LTP1 липид ташувчи оксилнинг 0,1 ва 1,0 мг/кг дозадаги сувли эритмалари зонд ёрдамида ошқозонга киритилди. Ундан кейин 1 соат ўтгач, 0,1 мл 1% ли каррагинин эритмаси каламушнинг орқа

ўнг оёғи апоневроз соҳасига киритилди. Яллиғланишга қарши таъсир яллиғланиш индукциясидан 3 соат кейин баҳоланди. Шиш катталиги яллиғланмаган ва яллиғланган орқа оёқ панжалари ҳажмлари ўртасидаги фарқ билан ҳисоблаб чиқилган. Антиэкссудатив фаоллик назорат ҳайвонларига нисбатан тажриба ҳайвонларида шишнинг камайиш даражаси билан аниқланди ва фоизларда ифодаланди (2-жадвал).

2-жадвал

Ns-LTP1 нинг каламушларда каррагенин шиши кечишига таъсири (бошланғичга нисбатан оёқ – қўл ҳажмининг % га ошиши, $M \pm m$; $n=6$)

Гуруҳлар	Доза, мг/кг	3 соат ўтгач панжа ҳажмининг ўзгариши, %	Антиэкссудатив таъсири, %	P
Назорат	-	112,5±12,5		-
Ns-LTP1	0,1	75,0±6,8*	33,3±2,0	p=0.027
	1,0	62,5±5,0*	44,5±2,8	p=0.004

* $p < 0,01$ -(назоратга нисбатан ишончилиги)

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Ns-LTP1 оқсили, 0,1 ва 1,0 мг/кг дозаларда яллиғланишга қарши сезиларли фаолликка эга бўлиб, 3 соатдан кейин каррагенин шишининг даражасини мос равишда 33,3 ва 44,5 % га камайтиради ва бунда юқори кўрсаткич 1,0 мг/кг дозада кузатилди.

Ns-LTP1нинг антипролифератив ва антиэкссудатив таъсирини баҳолаш учун Ф. П. Тринус усули бўйича “пахта гранулёмаси” усули қўлланилган. Енгил эфирли анестезия остидаги каламушлар терисининг елка соҳасидаги юнги эҳтиёткорлик билан олинган ва асептик шароитда 1-2 см узунликдаги тери ва тери ости тўқималарининг бўйлама кесма қилинган. Кейин пинцет билан терининг кесилиши натижасида тери ости тўқимасида ҳосил бўлган бўшлиққа 10 мг оғирликдаги олдиндан стерилланган пахта қўйилди ва 1-2 чок туширилди. Пептид фракцияси ошқозон орқали суткасига 1 марта 7 кун давомида киритилди. 7 кундан кейин ҳосил бўлган толали-грануляция тўқимаси билан имплантация қилинган пахта олиб ташланди ва 55-60°Сда 24 соат давомида оғирлиги барқарорлашгунча қуритилди. Ҳосил бўлган грануляция-толали тўқиманинг массаси қуритилган гранулёма массаси билан имплантация қилинган пахтанинг массаси ўртасидаги фарқ бўйича аниқланди. (3-жадвал).

3-жадвал

Ns-LTP1 нинг каламушларда яллиғланиш ўчоғида грануляция-толали тўқималарнинг ҳосил бўлишига таъсири ($n=6$)

Гуруҳлар	Доза мг/кг	Экссудат массаси, мг	Экссудациянинг г камайиши, %	Гранулёма тўқимаси массаси, мг	Пролиферациянинг г бостирилиши, %
Назорат	-	384,3±25,6	-	79,8±11,5	-
Ns-LTP1	10	311,0±32,1	19,1	56,0±2,43	29,8
	20	308,0±30,0	19,8	53,5±2,56	33,0

$p < 0.05$ назоратга нисбатан

Олинган натижалар “пахта гранулёмаси” усулида Ns-LTP1 оқсили 10 ва 20 мг/кг дозаларда пролифератив жараёнларни 29,8 ва 33,0 %га

камайтириши ва унинг антипролифератив таъсири назоратга нисбатан 1,4-1,5 марта юқорилигини.

Шундай қилиб, тажрибалар натижалари *Nigella sativa* уруғидан олинган липид ташувчи Ns-LTP1 оксилнинг аналгетик, яллиғланишга қарши, антипролифератив ва антиэксудатив таъсирга эга эканлигини кўрсатди


Сигмасимон ичак шиллиқ пардасининг ярали зарарланиши билан экспериментал колит Фицпатрик усули бўйича сирка кислотаси билан чақирилди. Гистоморфологик ва биокимёвий кўрсаткичларга кўра, бу усул одамларда ярали колитга мос келади. Сирка кислотаси билан чақирилган носпецифик ярали колит йўғон ичак шиллиқ қавати шароитида шиш, гиперемия ва геморрагиялар билан аниқ деструктив ўзгаришлар ривожланиши билан бирга кечади. Каламушларда модел патологияси ҳосил қилинганда организмнинг умумий интоксикацияси белгилари кузатилди, бу ҳаракат фаоллигининг ортиши, хавотирланиш ва агрессивлик ҳолати билан ифодаланади.

Ҳайвонлар 4 гуруҳга бўлинди: 1 – назорат гуруҳи – патология чақирилиб даволанмаган ҳайвонлар, 2-гуруҳ – 10 мг/кг дозада ва 3 – гуруҳ – 20 мг/кг дозада Ns-LTP1 қабул қилган, шунингдек 4-гуруҳ-140 мг/кг дозада таққослаш препарати Сульфасалазин (KRKA, Словения) қабул қилган ҳайвонлар. Экспериментал ҳайвонларга колит чақирилганидан кейин препаратлар тегишли дозаларда перорал киритилган ва ҳар гуруҳда 9 бош каламуш бўлиб, макроскопик текширувлар учун ҳар 3-,6-,9-кунларда 3 бошдан сўйилган. Колитнинг биринчи белгилари ҳайвонларда шилимшиқ ва қон аралашмали диарея, тез-тез дефекация қилиш, ҳайвон тана вазнининг динамикасида ўзгаришлар кузатилди. Макроскопик тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ярали колит моделлаштирилганда, барча тажриба ҳайвонларининг ЙИШҚда сезиларли ўзгаришларга олиб келди. Патологияли назорат гуруҳи ҳайвонларда кўплаб қон кетиши, шишлар, яққол гиперемия ва ЙИШҚ бурмаланишида бузилишлар кузатилди.

Ns-LTP1 ошқозон орқали 10 ва 20 мг/кг дозада юборилган ҳайвонларда даволашнинг 3-кунида яллиғланиш жараёнининг сезиларли пасайиши кузатилди: унинг даражаси 7,6 ва 7,5 баллни ташкил этди, бу даволанмаган назорат ҳайвонларига нисбатан 1,2 марта кам ва Сульфасалазин билан даволанган ҳайвонларга нисбатан 1,09 марта юқори бўлди.

Ns-LTP1 билан даволашнинг 6-кунида 10 ва 20 мг/кг дозада яллиғланиш жараёнининг оғирлиги сезиларли даражада камайди: шиллиқ қаватнинг зарарланиши 4,7 ва 4,6 баллни ташкил этди, бу назорат гуруҳидаги ҳайвонлардагига нисбатан 1,7 марта кам ва Сульфасалазин киритилган ҳайвонларга нисбатан 1,05 марта юқори. Ns-LTP1 муолажасининг 9-кунида ҳайвонларда ЙИШҚдаги зарарланишлар деярли кўринмаган, яъни регенератив жараёнлар содир бўлди. Липид ташувчи оксил Ns-LTP1 20 мг/кг дозада киритилган ҳайвонлар гуруҳида регенератив жараёнлари янада яққолроқ намоён бўлди. Сульфасалазин қиёсий препарати киритилган паталогияли ҳайвонлар гуруҳида ЙИШҚ ҳолати бўйича ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилди, лекин регенерация жараёнлари Ns-LTP1 билан

даволанган ҳайвонлардагига нисбатан статистик ишонарсиз фарқ билан камроқ намоён бўлди. (расм-4.).



4- расм Экспериментал ярали колит муҳитида Ns-LTP1 оксилнинг ЙИШҚ ҳолатига таъсири (балларда)

Таққослаш препарати Сульфасалазин қўлланилган ҳайвонлар гуруҳида патологияга нисбатан ЙИШҚ ҳолати бўйича ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилди, лекин регенерация жараёнлари Ns-LTP1 билан даволанган ҳайвонларга нисбатан камроқ намоён бўлди.

Шундай қилиб, ушбу ишда ўтказилган тадқиқот натижалари *Nigella sativa* уруғларидан олинган Ns-LTP1 липид ташувчи оксил таъсирида яллиғланиш аломатларини самарали камайиши кузатилди: ҳайвонларнинг тана вазнини ва экспериментал ярали колит муҳитида тажриба ҳайвонларида ректал ҳароратини меъёрлаштирди, 20 мг/кг дозада ярали колит моделида яллиғланишга ва ярага қарши самарали таъсир кўрсатиб, бу ЙИШҚ ҳолати кўрсаткичлари билан тасдиқланди.

"*Nigella sativa* уруғидан Ns-LTP1асосида ярали колитни даволаш учун композицияни ишлаб чиқиш ва клиник олди тадқиқотларини ўрганиш" деб номланган тўртинчи бобда ярали колит модели ва даволаш жараёнлари учун ишлаб чиқилган композицияни токсикологиясини ўрганиш натижалари келтирилган.

Nigella sativa уруғларидан олинган биологик фаол модда Ns-LTP1 асосида к.ф.д. Ощепкова Ю.И. раҳбарлигида оксиллар ва пептидлар кимёси лабораториясида лиофилизат шаклидаги композиция ишлаб чиқилди. Лиофилизат, фаол бошланғич сифатида Ns-LTP1 липид ташувчи оксил, стабилизатор иштирокида 10:1 нисбатдаги сув:ёғ фазалари ва тухум лецитини фосфолипидларини ўз ичига олган «сув ва ёғ» туридаги эмульциясини лиофил қуриштириш орқали олинди.

Шамча шаклида дори тайёрлаш учун таркибида глицерол ва натрий стеарат бўлган глицеринли шамчалар асос қилиб олинган. Глицеринли шамчалар сув ҳаммомида эритилди ва ишлаб чиқилган лиофилизат 50: 1 нисбатда қўшилди. Кейин тайёрланган ингредиентлар бутунлай эригунча аралаштирилиб, тайёр бўлган аралашма қолипларга қуйилди ва музлатилди.

Ишлаб чиқилган композицияни ярали колитни даволашда лиофилизат ва ректал шамча шаклида қўллаш мумкинлигини тасдиқловчи маълумот сифатида йўғон ичак шиллиқ қаватининг ҳолати макроскопик ва

микроскопик таҳлил қилиниб, унда катта ёшли, тана вазни 180-200 г бўлган эркак каламушларда экспериментал ярали колит муҳотида ярали шикастланишлар сони, зарарланиш ўчоғига антипролифератив таъсир, ҳайвонларнинг тана вазни ва ректал ҳароратининг меъралшуви баҳоланди.

Патология 0,5 мл 10% сирка кислотасини анестезия таъсирида бўлган каламушларнинг йўғон ичагига ва 10 секунддан кейин - 3 см³ ҳаво киритиш орқали чақирилди. Колит моделлаштирилгандан кейин, 2-кундан бошлаб 9 кун давомида тажриба ҳайвонларига Ns-LTP1 20 мг / кг, Сульфасалазин 140 мг/кг оптимал дозаларда ошқозонга киритилди. Тажриба ҳайвонлари даволашнинг 3-,6-,9-кунларида сўйилиб, йўғон ичаги олинди. Визуал текширув ўтказилиб, унда ЙИШҚ ҳолати, ярали шикастланишлар сони баҳоланди. Зарарланиш даражаси баллар шкаласи бўйича баҳоланди: шиш – 1 балл; гиперемия – 2 балл; қон кетиши: нуқтачалик – 3 балл; бирлашган – 4 балл; эрозиялар: битталиқ, ҳар бир эрозия – 5 балл, қонли эрозия – 6 балл; яра – 7 балл. Баллар йиғиндиси ҳар бир ҳайвон учун ҳисобланди. Яра юзаси, тана вазни ва ректал температура даволашнинг 3,6,9 кунларида ўлчаб олинди.

Ректал ҳарорат кўрсаткичлари таҳлил қилинганда, патологияли гуруҳ ҳайвонларида ҳароратнинг ортганлиги кузатилиб, 3-куни дастлабки кўрсаткичга нисбатан 2° С гача ортгани ва синалаётган препаратлар киритилган тажриба гуруҳларидаги ҳайвонларникидан юқори эканлиги аниқланган. Шу билан бирга даволашнинг 3-, 6-ва 9-кунларидаги ректал ҳарорат кўрсаткичлари даволаш ва профилактика тартибида Ns-LTP1 киритилаётган ҳайвонларда дастлабки кўрсаткичлардан ишонарли фарқ қилган. Бу кўрсаткич Ns-LTP1нинг ҳароратни тушириш хоссалари борлигини тасдиқлайди.

Лупа ёрдамида ЙИШҚнинг макроскопик тадқиқотлари ўтказилди. Экспериментал ҳайвонларда йўғон ичак шиллиқ қавати соҳаси макроскопик текширилиб, 3-кундаги олинган маълумотларга кўра назорат гуруҳи ҳайвонларида йўғон ичак яраси ўртача 4,32±0,35 балл билан баҳоланган (4-жадвал).

4-жадвал

**Каламушларда экспериментал ярали колит фониди Ns-LTP1ли
композициянинг ЙИШҚ и ҳолатига таъсири**

Препаратлар умумий дозаси	Шиш 1 балл	Геперемия 2 балл	Қон кетиш нуқтаси 3 балл	Бирлашган 4 балл	Ягона эрозия, ҳар бир эрозия 5 балл	Эрозия қон билан 6 балл	Яра 7 балл	Балларнинг йиғиндиси
	назорат							
3-кун	0,62±0,04	1,23±0,01	1,8±0,15	2,5±0,1	3,10±0,25	3,7±0,27	4,32±0,35	17.3±1,17
6-кун	0,48±0,01	0,97±0,07	1,4±0,10	1,9±0,03	2,4±0,25	2,9±0,28	3,38±0,37	13.4± 1,11
9-кун	0,023±0,005	0,05±0,007	0,07±0,005	0,093±0,005	0,12±0,01	0,14±0,025	0,2±0,03	0.70±0,087
	Композиция (Ns-LTP1 20 мг/кг)							
3-кун	0,33± 0,05	0,67±0,05	0,99±0,05	1,33±0,1	1,67±0,3	2,00±0,2	2,33±0,25	9.32±1,0* p=0.01
6-кун	0,08±0,005	0,17±0,05	0,25±0,035	0,33±0,025	0,42±0,02	0,5±0,05	0,6±0,05	2.35±0,24* p=0.002
9-кун	0,01±0,003	0,02±0,003	0,03±0,003	0,04±0,004	0,05±0,002	0,06±0,004	0,07±0,006	0.28±0,02*

									p=0.01
Сульфасалазин 140мг/кг									
3-кун	0,42±0,05	0,83±0,07	1,25±0,13	1,67±0,15	2,1±0,23	2,5±0,15	2,92±0,27	11.7±1,05 *	p=0.03
6-кун	0,29±0,027	0,56±0,04	0,86±0,065	1,15±0,12	1,4±0,12	1,73±0,17	2,02±0,22	8.01±0,76*	p=0.02
9-кун	0,01±0,002	0,02±0,003	0,04±0,003	0,05±0,003	0,06±0,004	0,07±0,005	0,08±0,005	0.33±0,02*	p=0.02

Патологияли назорат гурҳи ҳайвонларида регенерация жараёнлари аста-секин содир бўлди, буни узоқ сақланиб қолган геморрагия, шиш, гиперемия каби яллиғланиш белгилари тасдиқлайди. Даволаш ва профилактик тартибда Ns-LTP1 композиция ошқозон орқали юборилган ҳайвонлардаги яллиғланиш жараёнида сезиларли пасайиш кузатилди: унинг намоён бўлиши $2,33 \pm 0,25$ бални ташкил этди, бу даволанмаган ҳайвонларга нисбатан 1,85 марта ва Сульфасалазин билан даволанган ҳайвонларга нисбатан 1,25 марта кам бўлди.


Ns-LTP1 композицияси билан даволашнинг 6-кунида яллиғланиш жараёнининг намоён бўлиши сезиларли даражада камайди: шиллик қаватнинг шикастланиши жами $2,35 \pm 0,24$ баллни ташкил этди, бу модел патологияли назорат гуруҳи ҳайвонларга қараганда 5,7 марта, Сульфасалазин юборилган ҳайвонларга қараганда эса 3,4 марта кам эканлиги аниқланди. Тажрибанинг 9-кунида патологияли назорат гуруҳи ҳайвонларида, Ns-LTP1 композиция ва сульфасалазин билан даволанган ҳайвонлардагидан ишонарли даражада фарқ қилувчи яллиғланиш белгилари сақланиб қолишда давом этди: назоратдаги ҳайвонларда йўғон ичак зарарланган қисмининг умумий юзаси $0,70 \pm 0,087$ балл билан баҳоланиб, бу Ns-LTP1 композиция қабул қилган ҳайвонларга нисбатан 2,3 марта, сульфасалазинга нисбатан 2,1 марта юқоридир.

Тажрибанинг 3-кунида йўғон ичак яраси юзасини аниқлаш орқали Ns-LTP1 композицияси ва Сульфасалазиннинг ярага таъсири баҳоланди, шунингдек даволанмаган патологияли назорат гуруҳи ҳайвонларида ҳам аниқланди. Ушбу юза патологияли назорат гуруҳида $61,67 \pm 6,16\%$, Ns-LTP1 композиция ва Сульфасалазин киритилган гуруҳларда мос равишда $33,33 \pm 3,4$ ва $41,67 \pm 4,72\%$ ташкил этиб, Ns-LTP1 композиция гуруҳида яра юзаси назорат гуруҳидан 1,85 марта, Сульфасалазин гуруҳидан 1,25 мартаги кичрайганлигини кўриш мумкин. Тажрибанинг 6-кунида худди шу кўрсаткич назорат гуруҳида $48,3 \pm 4,1\%$, Ns-LTP1 композицияси ва Сульфасалазин киритилган гуруҳларда мос равишда $8,33 \pm 0,78\%$; $28,8 \pm 2,7\%$ ташкил этди. Ns-LTP1 композицияси киритилган гуруҳда яра юзаси назоратдан 5,8 мартагача, Сульфасалазин гуруҳидан эса 3,5 мартагача кичрайганлиги аниқланди. Тажрибанинг 9-кунидаги текширувларда яра юзаси Ns-LTP1 композицияси киритилган ҳайвонлар гуруҳида ($1 \pm 0,09\%$) назорат гуруҳидагига ($2,33 \pm 0,29\%$) қараганда 2,3 мартагача камайган, Сульфасалазин гуруҳи ($1 \pm 0,1\%$) билан эса деярли тенг эканлиги аниқланди.

Шундай қилиб, олинган натижалар Ns-LTP1 композицияси 20 мг/кг дозада яллиғланиш белгиларини самарали камайтириб, тажриба хайвонларида чақирилган ярали колит ҳолатида яллиғланишга ва ярага қарши, шунингдек регенерация жарёнининг интенсивлигига ижобий таъсир кўрсатар экан.

Ўхшаш тажриба ацетат яраси моделида композициянинг ректал шамлар шакли учун ҳам ўтказилди. ЯК чақирилгандан сўнг 2 ва 9 кундан бошлаб экспериментал хайвонларга 20 мг/кгги Ns-LTP1нинг мақбул дозасидаги ректал шамчалар шаклидаги композиция ва таққослаш препарати сифатида эса 500 мгги Салофальк ректал шамчалари (ишлаб чиқарувчи: Doktor Falk, Германия) киритилди (5-расм).


Хайвонларни Ns-LTP1ли ректал шамчалар билан даволашнинг 9-кунда ЙИШҚ зарарланишлари амалда намоён бўлмади, бу эса регенерация жараёнлар содир бўлганлигини англатади. Олинган натижаларни Салофальк қиёсий препарати киритилган хайвонлар гуруҳида бўлган ижобий ўзгаришлар билан таққослаш мумкин бўлди



5-расм. Ns-LTP1 ва Салофальк билан композициянинг каламушларда экспериментал ярали колит фонида ЙИШҚ ҳолатига таъсири (балларда)

Шундай қилиб, лиофилизат ва ректал шамча кўринишида 20 мг/кг дозадаги Ns-LTP1ли композиция самарали яллиғланиш аломатларини енгиллаштирди ва ЙИШҚ ҳолати кўрсаткичлари билан тасдиқланган экспериментал ярали колит моделида яллиғланишга ва ярага қарши таъсир кўрсатади.

Йўғон ичак қаватининг соғайиш жараёнларини баҳолаш учун каламушларни ҳар бир тажрибанинг 3- ва 9-кунларида ҳар бир гуруҳдан 3 тадан хайвон олиниб, шиллиқ қават ҳолатини визуал баҳоланди ва патоанатомик текширув ўтказилди. Йўғон ичак намуналари 12% формалин эритмасида сақланиб, улардан тайёрланган гистологик препаратлар гемотоксиллин-эозин билан бўялди ва ёруғлик микроскопи остида текширилди (6-расм).



6-расм.9-кун даволлаш: А) Назорат гуруҳида қопланётган эпителий ўртача метаплазияси кузатилди (1). Интерстициал тўқималарнинг (2) чандиқлашиши туфайли без қисқариши (3) кузатилади. Б) Сульфасалазин – ўткир эрозия ўзгаришлари бўлган жойда бириктирувчи тўқималарнинг сийраклашган чандиқлари, ўрта даражадаги сероз экссудация излари ҳосил бўлган. Строма бириктирувчи тўқималар фибробластлар ва фиброцитлардан ташкил топган. Унда фиброз (коллаген) тузилмалар шаклланивчи қисмлар ҳам бор, капиллярлар гиперемияси аниқланмади. В) Ns-LTP1 композицияси ҳужайра мембранасига (гликолилипид ва гликопротеин қават- гликокаликс) таъсир қилади. Ҳужайралар регенерацияси, трансформацияси ва эрозив (1), некротик (2) зарарланишлар дифференциациясига шиллик қават эпителий ҳужайраларининг регенерацияси ҳисобига эришилади. Препаратлар гематоксилин-эозин бўёғида бўялди, микроскоп таҳлили 4x10 ва 4x20 кўриш катталикларида бажарилди.

Йўғон ичакнинг эрозияланган намуналарини микроскопда текшириш шуни кўрсатдики, Ns-LTP1нинг ошқозон-ичак тракти шиллик қаватига таъсири анъанавий дориларга қараганда тезроқ ва тўлиқроқ бўлиб, яллиғланиш инфильтрацияси майдонини кескин чекламайди ва айнан шу билан яра битишини тезлаштиради. Ns-LTP1 таркибига кирувчи фосфолипидлар зарарланган ҳужайра мембраналарида деструктив ўзгаришларни камайтириш йўли билан ҳужайра мембранасини барқарорлаштиради. Препаратларда зарарланган ҳужайралар ядроларида гетерохрамин доначаларининг пайдо бўлиши ҳужайра бўлиниши ва регенерациясини кўрсатади. Шунга асосланиб зарарланган ҳудуд атрофида қисман (субтитучия) ва тўлиқ (реституция) репаратив регенерациянинг ўчоқлари аниқланган.

Каламушларда экспериментал ярали колит фониди липид ташувчи оксил ва унинг асосида тузилган композицияларнинг таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қора седана *Nigella sativa* уруғидан олинган Ns-LTP1 ва унинг асосидаги композиция ярани битирувчи, яллиғланишга қарши ва ҳароратни туширувчи таъсирга эга эканлиги аниқланди.

Ns-LTP1 композициясининг сувли эритмаси сичқонлар ошқозонига 2000,3000, 4000 ва 5000 мг/кг дозаларда юборилиб, унинг ўткир заҳарлаш хусусияти баҳоланди. Олинган натижаларига кўра, ўртача ўлим дозаси LD50 > 5000 мг/кг эканлиги ва ушбу композиция заҳарлилиги бўйича кимёвий моддаларнинг V–деярли заҳарсиз моддалар синфига мансублиги аниқланган. Шунингдек, тажрибаларда Ns-LTP1 композицияси кумулятив хоссаларига эга эмаслиги маълум бўлди. Ns-LTP1 композицияси 20; 40; 80 мг/кг дозаларда каламушлар ошқозонига 1 ой давомида ҳар куни юборилиб,

унинг умумий захарлаш хусусияти баҳоланди. Тадқиқотларда Ns-LTP1 композицияси тажриба ҳайвонларининг периферик қон таркиби хужайраларининг миқдори ва морфологиясига, жигар ва буйраклар фаолиятига захарли таъсир кўрсатмаган.

Ns-LTP1 композициясининг специфик захарлаш хусусияти бўлган маҳаллий ачиштирувчи таъсири тадқиқ қилиниб, композициянинг 0,5 ва 5 %-ли сувли эритмаси каламуш терисига, куёнларнинг кўз конъюнктивасига ачиштирувчи таъсир кўрсатмаслиги аниқланди. Шунингдек, эмбриотоксик ва тератоген таъсирларни ўрганиш натижалари *Nigella sativa* уруғидан олинган Ns-LTP1 композиция каламушларнинг репродуктив функцияси ва эмбрион ривожланишига салбий таъсир кўрсатмади. Ns-LTP1 композициясининг мумкин бўлган мутаген фаоллиги *in vivo* шароитида сичқонларнинг суяк илиги хужайраларида хромосома абберацияларини микроскопик таҳлил қилиш усулида амалга оширилди. Олинган натижалар Ns-LTP1 композициянинг 20 мг/кг, 500 мг/кг, 1000 мг/кг дозаларида қўлланилган усулнинг сезгирлиги чегарасида сичқон суяк илиги хужайралари хромосомаларига мутаген таъсир кўрсатмади. Ўтказилган цитогенетик таҳлиллар б.ф.н., Фармакология ва БФМ скрининги лабораторияси катта илмий ходими Якубова Р.А. билан ҳамкорликда ўтказилди.

ЎзРФА Инсон иммунологияси ва геномикаси институти ходими т.ф.д. Исмаилова А.А. билан ҳамкорликда олиб борилган тадқиқотларда ишлаб чиқилган Ns-LTP1-ли композициянинг ЯК беморларида фаол яллиғланиш даврида – яллиғланишга қарши жавоб реакциясини сафарбар этувчи проcitoкинлар ва яллиғланишга қарши цитокинларни ишлаб чиқарилишига индукцияловчи таъсир кўрсатиб, ушбу жарёнларни дозага боғлиқ ҳолда рағбатлантириши аниқланди.

Шундай қилиб, Ns-LTP1 ва у асосидаги композициянинг терапевтик ва профилактик таъсири йўғон ичакнинг ярали зарарланишлари моделида липид ташувчи оксил Ns-LTP1ни ярали колитни даволаш учун препаратлар ишлаб чиқишда фойдаланиш учун тавсия этишга имкон беради.

ХУЛОСАЛАР

1. *Nigella sativa* уруғидан Ns-LTP1 оксилени олишнинг такомиллаштирилган усули ишлаб чиқилди, натижада гомоген оксил унумининг 0,19% -дан 0,4% -гача ортишига эришилган. Стеарин кислотаси мисолида компьютер моделлаштириш орқали Ns-LTP1-нинг липид молекулалари билан ўзаро таъсирлашуви кўрсатиб берилган.

2. Биринчи марта қора седана *Nigella sativa* уруғларидан олинган Ns-LTP1 оксиленинг яллиғланиш ва репаратив жараёнларга таъсир этиши, тўқималарнинг битишида ва регенерациясида иштирок этиши аниқланган.

3. Липид ташувчи оксил Ns-LTP1нинг кам захарли бирикмалар V синфига тегишлилиги, кумулятив таъсирга эга эмаслиги, периферик қоннинг миқдорий таркиби ва морфологиясига, буйрак ва жигар функциясига захарли таъсири мавжуд эмаслиги, терига маҳаллий ачиштирувчи ва аллергияк таъсирининг йўқлиги, анафилактик шок чақирмаслиги аниқланди.

4. Лиофилизат кўринишидаги композиция фаол бошланғич сифатида Ns-LTP1 липид ташувчи оқсил, стабилизатор иштирокида 10:1 нисбатдаги сув:ёғ фазалари ва тухум лецитини фосфолипидларини ўз ичига олган «сув ва ёғ» туридаги эмульциясини лиофил қуритиш орқали олинди.

5. Липид ташувчи оқсил Ns-LTP1 ва унинг асосидаги композиция ошқозон яраси соҳасининг ва йўғон ичак шиллик қавати зарарланиш даражасининг камайишида намоён бўладиган каламушлардаги ўткир экспериментал колит моделида ярага, яллиғланишга қарши ва ҳароратни туширувчи таъсирга эга эканлиги аниқланди.

6. Махсус токсикологияни ўрганиш натижасида липид ташувчи оқсил Ns-LTP1нинг *in vivo* шароитида илик кўмиги хужайраларида хромосома абберрациялари индукцияси тестида мутаген фаоллик кўрсатмаслиги, эмбриотоксик ва тератоген таъсирга эга эмаслиги ва репродуктив функцияда ўзгаришларга олиб келмаслиги аниқланди.

7. Ns-LTP1 липид ташувчи оқсил асосида каламушларда ярали колит моделида, яллиғланишга ва ярага қарши таъсирга эга бўлган ректал шамчалар ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.К/В.37.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ
БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

ИНСТИТУТ БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

АМАНЛИКОВА ДИЛЬФУЗА АБДУГАНИЕВНА

**БИОЛОГИЧЕСКАЯ АКТИВНОСТЬ ЛИПИД-ПЕРЕНОСЯЩЕГО
БЕЛКА ИЗ СЕМЯН ЧЕРНУШКИ ПОСЕВНОЙ *NIGELLA SATIVA***

02.00.10 - Биоорганическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2022.1.PhD/В677.

Диссертация выполнена в Институте биоорганической химии

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.biochem.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Ощепкова Юлия Игоревна**
доктор химических наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты: **Рамазанов Нурмурод Шералиевич**
доктор химических наук, профессор

Ибрагимов Фазил Ахмедович
доктор биологических наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: Узбекский научно-исследовательский химико-фармацевтический институт

Защита диссертации состоится «___» _____ 2023 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.К/В.37/01 при Институте биоорганической химии (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биоорганической химии (зарегистрировано под № ___). (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: nigora65@list.ru).

Автореферат диссертации разослан: «___» _____ 2023 г.
(реестр протокола рассылки № «___» от _____ 2023 г).

Ш.И.Салихов

Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., академик

Н.Р.Хашимова

Ученого секретаря Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н.

М.Б.Гафуров

Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире одной из актуальных задач является поиск новых перспективных лекарственных растений для создания эффективных, малотоксичных лекарственных средств. Преимущества применения растительных средств обусловлены широким спектром фармакологических свойств, мягкостью, отсутствием побочных действий при длительном применении, так как они по своей химической природе близки организму человека и легко включаются в биохимические процессы. Важным является в связи с этим поиск новых эффективных лекарственных препаратов растительного происхождения.

На сегодняшний день в мире наблюдается тенденция к увеличению частоты неспецифического язвенного колита и прогнозируется «эпидемия» этого заболевания в Восточной Европе, в том числе и на территории Центрально-Азиатского региона. Для лечения воспалительных заболеваний кишечника применяют целый ряд пептидных препаратов, обладающий широким спектром механизма действия, включая регуляцию функции фибробластов. Разработка терапевтических пептидов, обладающих противовоспалительными и иммуномодулирующими свойствами, является перспективной областью в разработке лекарственных препаратов, направленных на лечение язвенных колитов.

В нашей стране особое внимание уделяется разработке новых эффективных, импортозамещающих лекарственных препаратов на основе местного сырья и обеспечению населения качественными лекарствами. В 4-направлении Стратегии развития Республики Узбекистан¹ изложены задачи по «реализации мер по дальнейшему развитию фармацевтической промышленности, улучшению обеспечения населения и медицинских учреждений недорогими, высококачественными лекарственными средствами и медицинскими изделиями, недопущению необоснованного роста цен на лекарства». В связи с этим, важное значение имеет поиск и создание наиболее эффективных отечественных препаратов из растительного сырья, не уступающих по эффективности синтетическим, но при этом обладающих низкой токсичностью, мягким терапевтическим действием, способностью комплексно влиять на различные звенья патологического процесса.

Настоящее диссертационное исследование в определённой степени соответствует решению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от февраля 2017 года УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 7 ноября 2017 года, УП-№5229 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления фармацевтической отраслью», в Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-3532 от 14 февраля 2018 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от февраля 2017 года УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан 2017-2021гг.»

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы.

Зарубежными учеными Westerman J., Kleinnijenhuis A., Bevers L.E. проведено изучение фосфатидил-инозитол переносящего белка (PI3P), участвующего в процессе роста клеток эпителия при повреждении тканей в присутствии эпидермального фактора роста (ЭФР) и фосфатидилхолин переносящего белка PC-TP эндогенного происхождения, участвующего в гепатоцеллюлярной селекции и транспорте билиарных фосфолипидов, в производстве сурфактанта легких, в биосинтезе лейкотриенов и в клеточном метаболизме фосфатидилхолина. В странах СНГ учеными Атауллахановым Р.И. и Чулкиной М.М. проведены исследования по изучению механизма иммуномодулирующего и регенерирующего действия тетрадекапептида в модели экспериментального язвенного колита и в культуре клеток *in vitro*.

